



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th February, 2025

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА АГРАР ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ ВА ЎЗARO ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Бурхонова Гўзал Муҳаммадиевна

Тошкент давлат аграр университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

Аннотация:

ушбу мақолада ўзбек ва рус тилларидаги аграр терминларнинг ўзаро таржималарида учрайдиган муаммолар ёритилган, алоҳида сўзларнинг таржимасига оид фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: термин, таржима, асаларичи, парник, теплица, иссиқхона, экин.

Аннотация:

в данной статье освещены проблемы, которые встречаются при взаимопереводе аграрных терминов узбекского и русского языков, представлены мнения относительно перевода отдельных слов.

Ключевые слова: термин, перевод, пчеловод, парник, теплица, культура.

Рус тили ва ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги қишлоқ хўжалигига оид содда терминларнинг катта қисми умумистеъмол сўзлари ҳисобланади. Ўттор халқларнинг ҳаммаси қадим-қадимдан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиб келишган, пилла боқишган, шу сабабли бу сўзлар халқлар ҳаётида катта ўрин эгаллаган. Қишлоқ хўжалиги фан сифатида шакллана бошлагач, бу сўзларнинг аксарияти шу фаннинг терминологиясини ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигига оид термин ва сўзларни таржима қилишда доим ҳам эквивалент топиш осон эмас. Шундай ҳолларда, эквивалент бўлмаганида сўзнинг маъносини очиб бериш учун изоҳ беришга тўғри келади. Изоҳ талаб



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th February, 2025

қиладиган сўзларнинг аксарияти халқаро термин бўлиб, уларнинг ўзбек тилига ўзлаштирилиши рус тили орқали амалга оширилган. Шу сабабли ўзбек тилида қўлланиладиган халқаро терминлар – бу рус тилида фонетик ва график ассимиляцияга учраган терминлар бўлиб, ўзбек тилида воситачи тилнинг фонетикаси ва графикаси сақланиб қолган. Шу сабабли С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведованинг изоҳли луғати, А.Мадвалиев таҳрири остидаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида талаффуз ва ёзилиши жиҳатидан бир хил бўлган қишлоқ хўжалигига оид бир гуруҳ халқаро терминларни учратиш мумкин. Баъзан рус тилидаги иккита сўзни ўзбек тилига ўгиришда битта сўздан фойдаланамиз. Масалан, парник ва теплица сўзларини иссиқхона, пчеловод (мураккаб сўз) ва пасечник сўзларини – асаларичи деб, бироқ бу сўзлар бири-бирдан семантик жиҳатдан бироз бўлсада фарқ қилади. Парник сўзига С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведованинг луғатида “Род теплицы в виде гряд, покрытых застеклёнными рамами или прозрачной плёнкой, для выращивания овощей, плодов и ранней зелени”¹, иссиқхонанинг ойнали ромлар ёки шаффоф плёнка билан қопланган жўяклар кўринишидаги бир тури, теплица сўзига эса “Помещение, участок с защищённым грунтом для разведения и выращивания растений”², ўсимликларни кўпайтириш ва етиштириш учун тупроғи ҳимояланган бино, участка дея изоҳ берилган. Иссиқхона сўзи теплицанинг айнан эквиваленти, аммо парник сўзининг эмас. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, парник ва теплица терминлари сўзлашувда кўпинча таржимасиз қўлланилади. Фикримизнинг исботи тариқасида айтиш мумкинки, бу иккала сўз ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам берилган: “ПАРНИК [р. пар – “буғ, иссиқлик” с.дан] Эртапишар сабзавот, резавор экин ва гул экиб ўстириш учун қурилган, ойнаванд ёки шаффоф плёнка билан ёпилган жой, хона. Парник ва теплицаларда кўчатлар етиштириш. Парникда битган бодринг, помидорлар тақсимчада гулдек

¹ С.И.Ожегов и Н.Ю.Шведова Толковый словарь русского языка. 4-е издание, дополненное. Москва. 2010, -873 б. Б.458

² С.И.Ожегов и Н.Ю.Шведова Толковый словарь русского языка. 4-е издание, дополненное. Москва. 2010, -873 б. Б.737



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th February, 2025

очишиб турибди. “Шарқ юлдузи”³. “ТЕПЛИЦА [р. тепло – “иссиқ, иссиқлик” с.дан ясалган от] қ.иссиқхона 2. Бу жойдан колхоз клуби, ГЭСи, теплицадан тортиб, электр тегирмонигача кўринар эканА.Муҳиддин, Ошналар. Умид уларга...атрофдаги янги нав экилган карталарни, теплицани, ичкарига олиб кириб, лабораторияларни кўрсатди. Мирмуҳсин, Умид”⁴.

Пасечник ва пчеловод сўзларига эса интернет манбаларида турлича таъриф берилган. Баъзилари уларнинг орасида фарқ борлигини кўрсатса (“Пчеловод сконцентрирован на разведении и получении продукции, в то время как пасечник более фокусируется на уходе за пасекой и поддержании идеальных условий для пчел»)⁵, бошқалари бу битта касбнинг икки хил номи эканлигини, чунки иккаласи ҳам бир хил иш билан шуғулланишини таъкидлашади («пасечник» этот то же пчеловод, так как он работает на пасеке и занимается тем же самым, что и «пчеловод», так как сам им и является. Названия разные, а смысл один⁶)). Аммо мутахассис деганда пчеловод сўзидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки ундаги -вод ўзагининг ўзбек тилига “-шунос” деб таржима қилинишини ҳисобга олсак, демак сўз асаларишунос деб таржима қилиниши керак. Пасечник эса том маънода бевосита асалариларни парваришловчи, уларни кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш билан шуғулланувчи ишчи. Асаларишунос эса, гарчи асаларичи билан бир мақсадни кўзласа ҳам, бу соҳанинг мутахассиси, шу йўналиш бўйича керакли билимларни эгаллаган инсон. Шу сабабли пчеловод сўзи икки хил таржима қилинади.

Пасека сўзининг ҳам ўзбек тилида айнан мос келадиган эквиваленти йўқ, шу сабабли бир сўз билан таржима қилинмайди, “асалари яшиклари жойлашган жой”, “асалари хўжалиги”, ҳаттоки “асаларизор” деб кўрсатилади. Аммо биламизки, асалари хўжалигининг тўғридан тўғри таржимаси мавжуд – пчеловодное хозяйство. Пасека сўзи интернет манбаларда украин тилидан

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006-2008. 5-жилд. – 331 б. – Б.226.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006-2008. 5-жилд. – 259 б. – Б.68

⁵ <https://rudevice.ru/stati/pchelovod-i-pasechnik-v-chem-raznitsa-i-kak-vybrat-svoyu-rol>. Мурожаат санаси: 20.08.2024.

⁶ <https://dzen.ru/a/XzkkA08uT1t3hdj>. Мурожаат санаси: 20.08.2024.



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th February, 2025

олинган, Беларусь ва Польшада ҳам ишлатилади деб кўрсатилган 7. Қадимги рус тилида асалари боқиладиган жой пчельник деб юритилган бўлса-да, ҳозирги кунда бу сўз историзмга айланган.

Шу сингари икки хилликни питомник сўзининг таржимасида ҳам учратиш мумкин. Питомник рус тилида икки хил маънони англатади: “кўчатхона” ва “ҳайвонлар учун питомник” – ҳайвонлар сақланадиган жой. Ўзбек тилида ҳам кўчатхона, яъни “кўчат етиштириладиган жой” деб таржима қилинади. Бироқ ҳайвонлар борасида гап кетганда таржима қилинмасдан ишлатилади. Масалан, “Питомникда сақланаётган ёввойи ҳайвонлар бўйича Давлат экология қўмитасига 2021 йилнинг январь ойида тақдим этилган ҳисоботга мувофиқ, шерлар 2017 йилда туғилган, озуқа рационига гўшт, тухум ва турли витаминлар белгиланган”⁸.

Экин сўзи рус тилига культура деб таржима қилинади: қишлоқ хўжалик экини – сельскохозяйственная культура. Бироқ қишлоқ хўжалигига оид мантларни таржима қилишда культура сўзининг семантик маъносига эътибор қаратиш лозим, чунки культура сўзи таржима қилинмасдан бир турдаги, бир хил морфологик ва биокимёвий хоссага эга бўлган микроорганизмлар йиғиндиси маъносида ҳам ишлатилади (“чистой культурой микробов называют совокупность микроорганизмов одного вида, имеющие одинаковые морфологические, биохимические и культуральны свойства”⁹. Масалан, “Соф культура тупроқдан, ўсимлик илдизидан ҳамда ўсимликнинг зарарланган ер устки қисмларидан ажратиб олиниши мумкин”¹⁰.

⁷ https://dzen.ru/a/ZXc0Zl_d5C72n1Ub. Мурожаат санаси: 20.08.2024.

⁸ <https://daryo.uz/k/2021/11/04/>. Мурожаат санаси: 20.08.2024.

⁹ <https://studfile.net/preview/7705435/page:5/>. Мурожаат санаси: 28.08.2024.

¹⁰ Ҳакимов А., Гулмуродов Р., Омонлиқов А., Ўтаганов С.. Ўсимликлар касалликлари диагностикасининг анъанавий усулари (шарҳ) / Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini. Илмий-амалий журнал, №2, 2021. – Б. 62-66.



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th February, 2025

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. С.И.Ожегов и Н.Ю.Шведова Толковый словарь русского языка. 4-е издание, дополненное. Москва. 2010, -873 б. Б.458
2. С.И.Ожегов и Н.Ю.Шведова Толковый словарь русского языка. 4-е издание, дополненное. Москва. 2010, -873 б. Б.737
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006-2008. 5-жилд. – 331 б. – Б.226.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006-2008. 5-жилд. – 259 б. – Б.68
5. <https://rudevice.ru/stati/pchelovod-i-pasechnik-v-chem-raznitsa-i-kak-vybrat-svoyu-rol>. Мурожаат санаси: 20.08.2024.
6. <https://dzen.ru/a/XzkkA08uT1t3hdtj>. Мурожаат санаси: 20.08.2024.
7. https://dzen.ru/a/ZXc0Zl_d5C72n1Ub. Мурожаат санаси: 20.08.2024.
8. <https://daryo.uz/k/2021/11/04/>. Мурожаат санаси: 20.08.2024.
9. <https://studfile.net/preview/7705435/page:5/>. Мурожаат санаси: 28.08.2024.
10. Хакимов А., Гулмуродов Р., Омонлиқов А., Ўтаганов С.. Ўсимликлар касалликлари диагностикасининг анъанавий усулари (шарҳ) / Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini. Илмий-амалий журнал, №2, 2021. – Б. 62-66.